

3.2. Малака ошириш курси якунлангандан кейин, ўқишга келган тингловчиларга сертификат тақдим этилади.

#### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ:**

##### **4.1. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.1.1. Тингловчиларнинг ички тартиб қоидаларига риоя қилинишини талаб қилиш;

4.1.2. Тингловчи томонидан таълим умумий соатининг 10 фоизидан ортиқ дарс қолдирган ёки якуний имтихон натижасида қоникарсиз жавоб берган ҳолатларда сертификат бермаслик;

4.1.3. “Буюртмачи” томонидан шартномада кўрсатилган тўлов амалга оширилмаган тақдирда, тингловчини дарсларда иштирок этишга қўймаслик;

4.1.4. Буюртмачининг талабларига мувофиқ ўқув дастури ва тематик режаларни ишлаб чиқиш;

4.1.5. Тингловчини аудитория, ўқув материаллари ва бошқа зарурий шарт-шароитлар билан таъминлаш;

4.1.6. Шартномада кўрсатилган муддатда тингловчига сифатли таълим берилишини таъминлаш;

4.1.7. Малака ошириш машғулоти яқини бўйича белгиланган имтихондан муваффақиятли ўтган тингловчига тасдиқланган намунадаги сертификатни тақдим этиш.

##### **4.2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:**

4.2.1. Сифатли таълим бериш ва дарс ўтиш жараёнилари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;

4.2.2. Режа дастурига мувофиқ, белгиланган курсларда тўлиқ иштирок этиш;

4.2.3. Малака ошириш билан боғлиқ тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

4.2.4. Малака ошириши лозим бўлган тингловчилар тўғрисида Илмий марказга маълумот бериш;

4.2.5. Тингловчи(лар)нинг белгиланган муддатда Илмий марказга етиб келиши, машғулотларда тўлиқ қатнашишларини таъминлаш;

4.2.6. Ўқув жараёнини ташкил қилиш, ўқув дастурларини такомиллаштириш ва қўшимча мутахассислар жалб қилиниши юзасидан таклифлар киритиш.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

5.1. Томонлар ўртасидаги низолар ўзаро музокара йўли билан ҳал қилинади. Ўзаро келишувга эришилмаганда, низоларни ҳал қилиш учун туманлараро Тошкент шаҳар иктисодиёт судига мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

#### **6. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ**

6.1. Шартнома томонларнинг ўзаро розилиги билан бекор қилиниши мумкин.

6.2. Шартнома қуйидаги ҳолларда “Ижрочи” томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин:

6.2.1. Тингловчи Илмий марказнинг Мехнатни муҳофаза қилиш соҳасида ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси тингловчилар сафидан чиқарилганда;

6.2.2. Ўқиш учун тўлов тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилмаганда.